Ушбу сонда:
2 — *Рейд* ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?
3 — «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 — ЭЗГУЛИК БОҚИЙДИР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 1 июн, сешанба № 88 (1721)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

***Товарларни улгуржи сотишнинг бозор методларини кенгайтириш, товар-хом ашё биржалари фаолиятини замонавий талабларга мувофиқ тубдан яхшилаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига нарх белгилашнинг бозор механизмини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Белгилаб қўйилсинки:

биржа товарларини электрон тизимдан фойдаланган ҳолда республиканинг бутун ҳудуди бўйича аниқ вақт режимида - биржа савдолари;

ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарларни - ким ошди савдолари;

товарларни, харидор томонидан товар олдиндан мажбурий кўздан кечирилишини ҳисобга олган ҳолда, биржаларнинг ихтисослаштирилган савдо майдончаларида, улар томонидан тасдиқланадиган қоидаларга биноан кўргазма-ярмарка савдолари натижаларига кўра товар-хом ашё биржалари орқали улгуржи сотиш биржа битишувлари тузиш воситасида амалга оширилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қурилиш материаллари сотиладиган ихтисослаштирилган бозорларда:

биржалар томонидан қурилиш материалларининг кўргазма-ярмарка улгуржи савдосини ташкил этиш учун бепул асосда майдонлар ва хоналар;

товар-хом ашё биржалари аъзоларига - кўргазма-ярмарка савдоларида сотишга мўлжалланган товарларни сақлаш учун ижара шартларида майдонлар ва хоналар ажратсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорларида улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи бозор маъмурияти томонидан фақат товар-хом ашё биржаларининг расмий аъзоларига, уларда улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан тегишли рухсатнома ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда берилади;

товар-хом ашё биржалари аъзолари томонидан импорт бўйича келтирилган ҳамда сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари намуналари ва гуруҳларини сотувга қўйиш фақат уларнинг республика ҳудудига белгиланган тартибда қонуний келтирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин;

ихтисослаштирилган бозорларнинг кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш учун майдонлар ва хоналар бериш бўйича харажатлари бозорлар даромадлари ҳисобига қопланади;

товар-хом ашё биржаларининг кўргазма-ярмарка савдоси ташкил этишга харажатлари сотувчилардан уларнинг ҳисоб рақамига маблағлар тушишига қараб ҳар куни тўланадиган, битишувлар суммасидан олинадиган воситачилик йиғими ҳисобига, шунингдек кўргазма-ярмарка савдоси қатнашчиларига кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (реклама, ахборот, консультация ва шу кабилар) ҳисобига қопланади.

4. Товар-хом ашё биржаларига:

биржа товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотувга қўйиш учун бепул асосда брокерлик ўринлари бериш;

товарларнинг кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш учун, шу жумладан қурилиш материаллари ихтисослаштирилган бозорлари ҳудудларида уларнинг кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган савдо майдонлари ташкил этиш ва уларни техника билан жиҳозлаш;

биржа аъзоларини биржа, ким ошди ва кўргазма-ярмарка савдолари қоидаларига касб бўйича ўқитишни ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки:

биржа котировкалари ва ким ошди савдоси нархлари ихтисослаштирилган оммавий ахборот воситаларида ҳар ҳафтада камида бир марта бепул асосда эълон қилинади;

товар-хом ашё биржалари аъзолари улар томонидан кўргазма-ярмарка савдоларида сотиладиган товарлар нархларини оммавий равишда эълон қилишлари шарт.

Маълумот учун қабул қилинсинки, монополист корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни биржа (ким ошди) савдоларида Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ сотадилар.

6. 2004 йил 1 июндан бошлаб биржа фаолиятини амалга оширишда қўшимча равишда қуйидаги лицензия талаблари ва шартлари жорий этилсин:

биржа савдоларида фақат олдиндан эълон қилинадиган, маҳсулотлар истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари кенг кўламда фойдаланадиган биржа ахборотномасига киритилган товарларни сотиш, айни бир вақтда олдиндан эълон қилинган листингларга киритилмаган товарларни сотиш тақиқланади;

биржа ахборотномаларига фақат бир хил стандарт хоссаларга эга бўлган, улгуржи гуруҳлар билан сотиладиган ва олдиндан кўздан кечиришни талаб қилмайдиган биржа товарларини киритиш;

биржада сотилган (бепул берилган) камида 100 та брокерлик ўринлари мавжуд бўлиши;

товар-хом ашё биржалари раҳбарларига қўйиладиган малака талабларига риоя қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

икки ҳафта муддатда товар-хом ашё биржалари билан лицензия битимларини қайтадан тузсин, бунда лицензия битимларига ушбу қарорда белгиланган лицензия талаблари ва шартлари киритилишини назарда тутсин;

бошқарув раисига, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси раҳбарига ҳамда биржаларнинг бош маклёрига қўйиладиган малака талабларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин ҳамда уларни аттестациядан ўтказсин;

биржа битишувларида қатнашувчи биржалар аъзоларини уч ой муддатда, белгиланган тартибда аттестациядан ўтказсин;

барча оммавий ахборот воситаларида кенг реклама компаниясини ва тушунтириш ишларини, шунингдек потенциал сотувчилар, харидорлар, биржалар аъзолари ўртасида товарларни биржа савдоларида сотиш ва харид қилиш қоидалари ва афзалликлари бўйича мақсадли семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

брокерлар ва брокерлик идоралари фаолиятини моддий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда жорий қилсинлар, бунда воситачилик йиғимларининг зарур малака сифатига, брокерлик фаолиятини юритиш тажрибасига эга бўлган брокерларнинг юқори даромад олишини таъминловчи ҳамда биржа савдолари товар айланмасига қараб чекланган миқдорлари белгиланишини назарда тутсинлар;

биржа битишувларидан ундириладиган биржалар воситачилик йиғимлари чекланган миқдорларининг декларация қилинишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги биржалар ва уларнинг аъзолари томонидан воситачилик йиғимларининг чекланган миқдорларига риоя этилишини назорат қилсинлар.

9. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ходимларнинг чекланган умумий сони 127 нафар бўлган ташкилий тузилмаси маъқуллансин.

10. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси даромад (фойда) солиғи тўлашдан уч йил муддатга истисно тариқасида озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар ягона электрон савдо тизими техника ва технология дастурий комплексини замонавийлаштиришга мақсадли йўналтирилсин.

11. Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 31 май

*1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*



## БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР

Донишманд Арастудан сўрашибди:

– Илмнинг кучи нимада?

– Самимият ва оддийликда.

– Самимият ва оддийлик қаерда?

– Боладек беғубор қалбда, – деб жавоб берибди аллома.

Ҳа, дунёда болалик қувончи, болалик завқидан ўтадигани кам. Биз ҳар лаҳзада эзгуликни болалик хотираларидан излаймиз. Болалардек беғубор қалб билан яшагимиз келади. Машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат: «Болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунга», деганида катта ҳикмат бор. Маълумотларга қараганда, бугун дунё аҳолисининг 2 миллиард 170 минг нафарини болалар ташкил қилади. Уларнинг 27,8 фоиздан ортиғи эса ё ота, ё она меҳрига зор. Бунга биринчи сабаб: турли табиий офат, террорчилик хуружлари, йўл транспорт ҳодисалари ва яна ажралишлар... Жаҳоннинг қатор давлатларида болаларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси муҳофазага олинмаганлиги эса дард устига чипқондир. Натижада 225 миллион бола ногирон, 9,5 фоиз болалар илм-зиёдан бебаҳра ўсмоқда.

БМТнинг ЮНИСЕФ болалар ташкилотининг инсонпарварлик ёрдами ва эзгу ишларига қарамай кўплаб давлатларда болаларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Энг даҳшатлиси шундаки, Эфиопия, Гана ва Замбия каби давлатларда болаларни қул сифатида сотиш ҳоллари учрамоқда. Бу эса жаҳонда болаларни ҳимоя қилиш долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда.

Фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар бўлиб улғаяётган давлат қудратли, халқ кучли бўлади. Негаки, бугунги шиддатли даврда миллат ва халқ тақдирини моддий бойлик эмас, маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Мустақил тараққиётимиз жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган 12 йилдан ортиқ даврда асрга татигулик йўлни босиб ўтдик. Айниқса, 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинишни муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида соғлом оилани шакллантириш, давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътиборни ва ғамхўрликни кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу дастурга биноан меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларга давлат ёрдами кучайтирилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, давлат ва нодавлат, жамоатчилик ташкилотлари ушбу ишга жалб этилди. Зеро, соғлом авлод Давлат дастури, ҳеч шубҳасиз мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас, ҳамқадам эканлигини ёрқин намунаси эканлиги билан ҳам қимматлидир. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳам миллат шаъни ва ғурурини дунёга танитадиган соғлом авлодни тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Болалар мамлакатимиз келажагининг умид юлдузлари. Истиқлол туфайли қишлоқнинг чанг кўчаларида улғайган ўзбек ўғлонлари жаҳондаги нуфузли мусобақаларда иштирок этишмоқда. Андижонда вояга етган оддий ўзбек йигитининг довруғи дунёга таралди. Елкаси ерга тегмаган полвонлар ўз куч-қудрати билан ўзбек курашини дунёга ёймоқда. Ўзбек болаларининг илм-тафаккурига, ҳатто Япониядек қудратли давлатлар ҳам ҳайратда қолмоқда. Зеро, ҳар бир инсоннинг энг мўътабар орзуси, асосий мақсади, соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни баркамол кишилар қилиб вояга етказишдек эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу оммавий ва нуфузли ташкилот болажонларимизнинг саломатлиги, илм олиши, спорт билан шуғулланиши, хуллас, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига ғамхўрлик қилмоқда. Ўтган йили ёз мавсумида 601 та оромгоҳда 241 минг нафардан зиёд болалар дам олдирилди. 260 та шаҳардан ташқари, 38 та санаторий типидаги, 8та спорт- соғломлаштириш, 294 та мактаблар қошидаги кундузги, шунингдек, меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари болажонлар хизматида бўлди. Бундан ташқари, Оролбўйи ҳудудидан келган 4 минг нафар болалар Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг энг сўлим оромгоҳларида дам олдирилди. Шунингдек, республика темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари тармоғидаги ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига қарашли оромгоҳларда Оролбўйидан келган 500 нафар болаларнинг бепул дам олдирилиши таъминланди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан эзгу ишлар кўлами янада кенгайди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикамиздаги кўплаб корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари билан ҳамкорликда болажонлар учун байрам тадбирлари ўтказилиб, уларга совға-саломлар улашилмоқда.

Ҳадемай сўлим оромгоҳлар болажонларни ўз бағрига олади. Яна улар болаларнинг шодон кулгусига тўлади. Бу йилги мавсумда 377 та оромгоҳда 171070 нафар болаларни дам олдириш, соғломлаштириш режалаштирилган. Бу йилги мавсумнинг ўзига хос томони шундан иборатки, дам олдирилаётган болажонларнинг аксарият қисми меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали, ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандларидир. Шунингдек, Оролбўйи минтақасидаги ўғил-қизларни соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Барча оромгоҳларга малакали ва моҳир педагог-тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Улар болалар онгига миллий истиқлол, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини сингдиришга қаратилган маърифий-маънавий тадбирларни уюштириб, болажонларни мириқиб дам олишларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

– Аёлни, онани асраш дегани – бу фарзандларни асраш, наслни асраш охир-оқибатда миллатни асраш, - дейди Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Маъмура Одилова. — Тизимимизда ишлаётганларнинг аксарият қисми аёллар – оналардир. Уларни ҳимоя қилиш орқали соғлом авлодни вояга етказишга салмоқли ҳисса қўшяпмиз. Қолаверса, эзгу ишларимизнинг барчаси оилани ҳимоя қилиш, фарзандлар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган. Ўтган йили тармоқ тасарруфидаги 15 та оромгоҳда 11 мингга яқин болалар ёзги таътилни мароқли ўтказишган эдик. Бу йил ҳам фарзандларимизнинг янада мириқиб дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитларни яратдик.

Зеро, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина барпо этишга қодирдир. Президентимиз айтганларидек, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».

**Амина ҚОДИРОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ

### йилнинг тўрт фаслида сизга мунтазир

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курортлар бошқармаси тизимида 19 та санаторий мавжуд бўлиб, бу муассасаларда ҳар йили Республикамизнинг 50-55 минг аҳолиси ҳордиқ чиқариб ўз саломатликларини тикламоқдалар. Бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, санаторий-курорт тизимини Республикамиз ҳамда хорижий давлатларида эришилган ютуқ ва тажрибага таянган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда.***

Шу мақсадда Республикамизнинг энг олис ҳудудларида ҳам санаторий-курорт хизматини халққа яқинлаштириш вазифасини олдимизга қўйганмиз, айниқса, Оролбўйи минтақаси аҳолисига. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида «Гулпаршин» санаторийси очилган ва Тахтакўпир туманида «Айдас қала» санаторийси очилиши арафасида, Хоразм вилоятида «Хонқа» санаторийси ҳам 2002 йилдан иш фаолиятини бошлаб юборган.

Халқимизнинг санаторийларда даволанишга ўсиб бораётган талабини янада кўпроқ қондириш мақсадида кейинги йилларда санаторий-курорт шифо масканлари тармоғини ривожлантириш, уларни қайта қуриш, ободонлаштириш, жиҳозланиши ва қулайликларини ошириш бўйича катта ишлар қилинди. Жумладан, «Чортоқ», «Бўстон» санаторийсида сув билан даволаш мажмуаси очилди. «Оқ-Тош» санаторийсида 1 та ёзги бассейн ва 2 та янги, алоҳида-алоҳида 10 оилага мўлжалланган барча қулайликларга эга, замон талаби бўйича жиҳозланган, «Люкс» хонали коттежлар қурилди. «Турон» санаторийсида 2 та оилавий коттеж ва 33 ўринли реабилитация бўлими барпо этилди. «Чинобод» санаторийсининг 5 қаватли 12-ётоқ биноси замон талаблари асосида реконструкциядан чиқди. «Чимён», «Бўстон» ва «Оқ-Тош» санаторийларида кўп қаватли, энг замонавий, барча яшаш талабларига жавоб берадиган ётоқ биноларида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. «Умид Гулшани» санаторийсида сув билан даволаш мажмуаси қурилмоқда ва 2005 йили ишга туширилиши мўлжалланмоқда. «Абу Али Ибн Сино» санаторийсида даволаш-ташхислаш мажмуаси қурилмоқда ва 2004 йилда иш фаолиятини бошлаши кутилмоқда. Шу каби бошқа барча санаторийларда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Юқорида кўрсатилган санаторий-курорт муассасаларидаги барча қурилиш-реконструкция ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Манзилли қурилиш режаси» ва маблағи асосида олиб борилмоқда.

Санаторийларда курорт-даволаш ишларини замон талаблари асосида ташкил қилиш, физиотерапевтик ҳамда бальнеологик даволаш усулларини ва даволаш бадан-тарбиясини кенг қўллаш, санаторийга келган даволанувчиларни тезкор, ва янги қабул қилинган даволаш-диагностика усулларидан тўлиқ фойдаланиш ишлари амалга оширилди.

Юқорида айтилганларга асосан, Курортлар бошқармаси сиҳатгоҳларида ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даволаш-диагностика базаси, функционал диагностика хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, УЗИ, рентген хоналари ҳамда бошқа диагностик хоналар мавжуд. Сўнгги йилларда психо, рефлексо, магнито, лазер, инфрақизил нурлари терапияси каби янги даволаш методлари жорий қилинди. Шу сабабли даволаш самарадорлиги кўрсаткичлари ўтган йилларга нисбатан анча юқори.

*Ёз — ўтсин соз*

Кейинги 6 йил давомида санаторийларимиз энг замонавий, чет эллардан келтирилган қимматбаҳо тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланмоқда ва бунга сарфланаётган маблағнинг асосий қисми Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг молиявий ёрдами асосида бўлмоқда.

Ҳамма санаторийларимизда асосан табиий шифобахш омиллардан (минерал сувлар, шифобахш балчиқлар, табиий иқлим ва сув бассейнлари) фойдаланилади. Даволаш тадбирлари мажмуасида минерал сувлар билан даволаш санаторий-курорт муассасаларида беморларга самарали шифобахш таъсир кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади. Уларни қўллаш учун кўрсатмалар сувнинг кимёвий таркиби ва касалликларнинг таркибига боғлиқ.

Республикамизда минерал сувларнинг ҳамма типларини ўз ичига олган, бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Чунончи, «Чимён» санаторийсидаги «Мацеста» суви типидаги водород-сульфидли сув, «Чортоқ», «Хонқа», «Ниҳол» санаторийсида йод ва бром миқдорида юқори бўлган йод-бромли сув, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса» ва «Косонсой» санаторийларида «Саки», «Евпатория» курортларининг сувидан қолишмайдиган, хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлар топилган. «Абу Али Ибн Сино» санаторийсида «Пятигорск» типидаги родонли сувлар борлиги аниқланган ва булар даволашда кенг ишлатилмоқда. Фақат 2 та сиҳатгоҳ «Қашқадарё соҳили» ва «Марҳамат» сиҳатгоҳларида бальнеологик даволаш ишлари ташиб келтирилган минерал сувлар асосида олиб борилади. «Зомин», «Мироқи», «Умид гулшани» санаторийсида сув булоқлари йўқ, аммо фито (яъни гиёҳли ўтлардан тайёрланган) ванналар берилади. Республиканинг даволаш-профилактика ва санаторий-курорт муассасаларида Жиззах вилоятининг Балиқчи кўлидан келтириладиган сульфидли балчиқ ишлатилади. 13 та сиҳатгоҳда балчиқ билан даволаш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси томонидан Республика аҳолисини курорт-соғломлаштириш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Сизларни серқуёш Ўзбекистонимизнинг ажойиб санаторий курорт масканларида роҳатланиб дам олиб, ўз саломатлигингизни тиклашга таклиф қиламиз.

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курортлар бошқармаси бошлиғи**

## ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 16 апрелида «Чўжага сув қачон келади?» сарлавҳаси остида танқидий мақола берилган эди. Унда Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган Чўжа қишлоғида ичимлик суви муаммоси ҳақида фикр билдирилганди.

Таҳририятга ушбу мақола юзасидан келган жавоб хатида шундай дейилади:

***«Ишонч»га жавоб берадилар***

«Норин туман ҳокимлиги тегишли мутахассислар билан биргаликда мақолани ўрганиб чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам, Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Учтепа ва Юқори Чўжа маҳаллаларида ичимлик суви тармоғи ишламаётганлиги аниқланди. Ушбу муаммони зудлик билан ҳал этиш мақсадида, Учтепа қишлоғидаги сув иншоотлари таъмирланиб, Чўжа ва Учтепа маҳалларига ичимлик суви етказиб берилди.

Шунингдек, мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш борасида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Норинкапа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қоратери қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 2005 йил дастурига киритилиб, алоҳида сув иншооти қуриш режалаштирилди.»

**Р.АСҚАРОВ,**
**туман ҳокимининг биринчи ўринбосари**

# 1. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## меҳнаткашлар манфаатининг кафолати

Таҳлил, танқид

Корхона, ташкилот ва муассасаларда амалдаги қонунчиликка биноан қабул қилинган жамоа шартномалари «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Устави»да белгилаб берилган касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномалари тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Кафолатларнинг юқори даражасини белгилаш меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

2003 йилда касаба уюшма хизматига олинган 127230 та юридик шахсларнинг 89071 тасида (яъни 70 фоизида) жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, уларда жами 5623005 ишловчилар (ишлаётган касаба уюшма аъзоларининг 87 фоиз)нинг манфаатлари ифода этилган. Қабул қилинган жамоа шартномаларининг сони 2002 йилга нисбатан 10,5 фоизга кўпайган.

Мулк давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, шунингдек, кичик бизнес жадал ривожлантирилиши, ширкат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликлари барпо этилиши натижасида ҳисобот йилида 2002 йилга нисбатан юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар сони 15016 тага, шу жумладан, хусусий корхоналар сони 14189 тага кўпайди.

Жамоа шартномалари билан корхона, ташкилот ва муассасаларни тўла қамраб олиш борасида айниқса ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати, таълим ва фан, «Қизилқумнодирметаллолтин», алоқа ходимлари, авиация ходимлари касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Мазкур йўналишда бир қатор бошқа тармоқлар ҳам муайян даражада ўсишга эришдилар. Масалан, жамоа шартномалари билан қамраб олинган юридик шахслар сони аввалги йилга нисбатан: соғлиқни сақлашда - 22,6 фоизга, маданиятда - 15,8 фоизга, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида - 10,2 фоизга, металлургия ва машинасозлик саноатида - 4 фоизга, агросаноат мажмуида - 2 фоизга ортди.

Қатор тармоқларда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдори оширилишининг энг самарали воситасига айланмоқда. Бу йўналишда, айниқса, жамоа шартномалари орқали ягона тариф сеткасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорини кўтариш яхши самара бермоқда.

Жумладан, алоқа корхоналарининг 92 фоизида, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати корхоналарининг 91,6 фоизида, машинасозлик корхоналарининг 79 фоизида, авиация корхоналарининг 77 фоизида, қурилиш ва қурилиш ашёлари корхоналарининг 50 фоизида жамоа шартномалари орқали ягона тариф сеткасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан кўтариб қўйилди.

Жами жамоа шартномаларининг 38,2 фоизига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда бекор қилиш талаби киритилган.

Турли манбалар ҳисобидан республика бўйича 2003 йилда 97 мингдан зиёд ходим қайта ўқитилган ва малакасини ўзгартирган бўлса, шундан 63,2 мингтаси, яъни 65,2 фоизи жамоа келишувлари ва шартномалари орқали иш берувчилар ҳисобидан ўқитилди.

Жамоа шартномаларига биноан 16521 та корхона, ташкилот ва муассасаларда қўшимча таътиллар ўрнатилган бўлиб, улардан 848402 та ходим фойдаланди. 30658 та корхонада жамоа шартномалари орқали асосий узайтирилган таътиллар (15 иш кунидан кўп миқдорда) ўрнатилган бўлиб, улар 2120886 та ходимга нисбатан татбиқ этилган.

Жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга нормал иш шароитларини ташкил қилиш мақсадида 2488 та корхонада 93969 та иш жойлари аттестациядан ўтказилди.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 55781 сўмни ташкил этди, бу эса 2002 йилга нисбатан 110,5 фоизга тенгдир.

Жамоа шартномаларини тузиш, уларни экспертиза қилиш ва бажарилишини назоратга олиш ишларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шу билан бирга, касаба уюшмалари органларининг бу борадаги фаолиятида камчилик ва нуқсонлар бор.

Чунончи, касаба уюшма хизматида турган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 38159 тасида жамоа шартномалари қабул қилинмади.

Айрим тармоқларда юридик шахсларни жамоа шартномалари билан қамраш фоизи республика бўйича ўртача рақамдан анча паст даражада қайд этилди. Бунга қуйидагилар мисол бўла олади: кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар (11,5 фоиз), темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари (58,1 фоиз), маданият (68 фоиз). Сирдарё вилоятидаги маданият тармоғига қарашли 81 та юридик шахснинг 9 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган, холос, улар билан ҳисобда турган 2685 та маданият ходимининг атиги 317 таси қамраб олинган.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари, автотранспорт ва йўл хўжалиги тармоқларида 2002 йилга нисбатан жамоа шартномалари билан қамраб олинган юридик шахслар сони камайишига йўл қўйилган.

Жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори хусусий корхоналарда 16 фоизга, нодавлат нотижорат ташкилотларида эса 31,0 фоизга камайган.

Кўплаб жамоа шартномаларида Меҳнат Кодексида бевосита кўрсатма берилган моддалар талаблари акс эттирилмаяпти, уларга киритилаётган тадбирларнинг умумий сони камайиб бормоқда. 2003 йилда республика бўйича барча мулкчилик шаклларига мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 14 тадан тадбир киритилди, бу эса 2002 йилга нисбатан 29,4 фоизга камдир.

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда бекор қилиш мумкинлиги жамоа шартномаларининг ҳаммасида ҳам акс эттирилмаяпти.

Кўплаб жамоа шартномаларига Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарорига биноан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганлик учун корхоналар раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирлари киритилмаяпти.

**Р. МУСАЕВ**

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда «Ишонч» газетасининг қўшма Рейди***

# ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, болажонларни соғломлаштиришдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда республикамизда беш турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Улар - шаҳардан ташқаридаги, санаторий туридаги, спорт-соғломлаштириш, мактаблар қошидаги кундузги ва меҳнат-дам олиш оромгоҳларидир.***

Жорий йилда 175 минг нафарга яқин ўғил-қиз Республикамизнинг энг баҳаво ва сўлим масканларида ҳордиқ чиқаради. Оролбўйи болалари - Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган ўғил-қизлар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги энг яхши масканларда бепул йўлланмалар асосида мазза қилиб дам оладилар. «Меҳр ва мурувват йили»да болажонларга ҳар йилгидан кўпроқ меҳр кўрсатиш мақсад қилинган. Хусусан кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг имтиёзли ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хўш, жойлардаги оромгоҳлар мавсумга шайми? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон телевидениеси ҳамда «Ишонч» газетаси ҳамкорлигида қўшма рейд уюштирилди.

Рейд аъзолари дастлаб Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Алгоритм» Акциядорлик жамиятига қарашли санаторий туридаги «Алгоритм» оромгоҳида бўлдик. Оромгоҳ жойлашган ҳудуд соф ҳавоси, бетакрор манзараси билан кишини ром этади. Ичкарига киришингиз билан икки томондан бир текисда экилган ел дарахтлари, қушларнинг сайраши, жаҳон стандартларига мос келувчи волейбол, футбол, баскетбол майдончаларини кўриб кўнглингиз ёришади. Мана буни ҳақиқий дам олиш маскани деса бўлади. «Маънавият ва маърифат» хонасида энг зарур воситалар мавжуд. Болажонлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, ажойиб учрашувлар, давра суҳбатлари, қизиқарли викториналар иштирокчиси бўладилар. Давлатимиз рамзлари, Ватанимиз тарихи ва бугунидан сўйловчи адабиётлар, Президентимиз асарлари ўғил-қизларни Ватанга меҳр-муҳаббат, она халқимизга содиқлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Дид билан тайёрланган деворий лавҳалар, улардаги сурат ва безаклар оромгоҳ тарихи ҳақида, тарбиянинг асосий йўналишлари, Меҳр ва мурувват сабоқларидан ҳикоя қилади. Сирасини айтганда «Алгоритм» оромгоҳи мавсумга шай!

Дам олиш масканининг намунали тайёргарлигида оромгоҳ бошлиғи Йўлчибой Раҳимжоновнинг ҳиссаси катта. У бу ерда 11 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

- Оромгоҳимиз бу йил 4 навбатда болажонларни қабул қилади, - дейди Йўлчибой ака. - Ҳар навбатда 800 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Улар учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳар бир ётоқ корпусига телевизорлар ўрнатилган. Ажойиб сув ҳавзаси, мазали таомлар ошхонаси, 11 нафар ходим фаолият кўрсатадиган тиббиёт маркази, турли тўгараклар, малакали мутахассислар улар хизматида.

Яна бир масала: «Меҳр ва мурувват йили»да кўмакка муҳтож оилалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳар йилгидан зиёда ғамхўрлик кўрсатилади. Оромгоҳимизда мавсум давомида пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйидан 240 нафар, 22-Меҳрибонлик уйидан 50 нафар, SOS болалар маҳалласидан 50 нафар бола дам олдирилади.

Ёз давомида болажонларимизни ажойиб тадбирлар, мароқли спорт турнирлари кутмоқда. Хусусан, биринчи навбатда қизлар ўртасида халқаро волейбол мусобақаси, оромгоҳлараро спартакиада ташкил этилади.

«Алгоритм»дан кўнгиллар тўлиб, дилимиз яйраб чиқдик. Шундан сўнг Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Чимён» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлдик. Бу маскан ҳам мавсум олдидан тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ётоқхоналар, ошхона, ўйин майдончалари, чўмилиш ҳавзаси болаларни бағрига олишга тайёр. Оромгоҳ ҳудудини айланар эканмиз маскандаги ишларни кузатиб юрган касаба уюшма ҳамда корхона мутасаддиларини учратдик.

- Мавсумга тайёргарлик ишларини анча илгари бошлаганмиз, - деди биз билан суҳбатда Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув кенгаши раиси ўринбосари Анатолий Давиденко. - Бу ерда уч навбатда 1500 нафарга яқин болажонлар мазмунли ҳордиқ чиқаради.

Бундан ташқари «Она ва бола» дам олиш мажмуи фаолият юритади. Дарҳақиқат, Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан хўжалик раҳбарияти саъй-ҳаракати натижасида оромгоҳдаги барча ишлар ибратли ташкил этилган. Оромгоҳда қийғос очилган настарин гуллари ифори янада жозибадор. Бу ерда болажонлар бундай гўзал манзарадан олам-олам завқ оладилар.

Навбатдаги манзил Юсуфхона қишлоғи атрофидаги «Чотқол» санаторий туридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлди. «Тошкентнефтегаз қурилиш» тресті акциядорлик жамиятига қарашли оромгоҳда 13 йилдан бери ишлаб келаётган оромгоҳ бошлиғи Эркин Деҳқонов бизни қарши олди. Ушбу масканнинг ўзига хос хусусияти - қаерга қараманг, атиргулларга кўзингиз тушади. Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжаллаб бешбурчак шаклида эртакона услубда қурилган ётоқхоналар янги бўёқдан чиққан, катта ёшдаги болалар учун алоҳида, бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида чўмилиш ҳавзаси мавжуд.

- Ота-оналар учун махсус гўша барпо этдик, - дейди Эркин ака. - Фарзандидан хабар олгани келган ота-оналар шу ерда ўтириб атрофдаги гўзалликлардан баҳраманд бўладилар. Ажойиб ўриндиқлар, фаввораю шаршара уларга ҳам роҳат бахш этади.

Бу ерда педагог кадрлар, етакчилар танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир навбатда 420 нафар болани қабул қилувчи оромгоҳнинг бир неча йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи альбомлар, дам олиб кетган болажонларнинг ўз қўллари билан тўгаракларда ясаган турли буюмлар, табиат манзаралари бу ердаги тарбиявий жараённинг ибратли ташкил этилганлигидан далолат. Демак, ўғил-қизлар оромгоҳда ҳордиқ чиқариш билан бирга дунёқарашлари бойиб, ажойиб ҳунар эгаси бўлиб қайтадилар.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган пойтахт корхоналарининг раҳбарлари ва касаба уюшма қўмиталари болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш юзасидан маълум чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширяптилар. Хусусан, бундай масканларни ўз вақтида талаб даражасида тайёрлашда Тошкент давлат Техника университети, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ва бошқа бир қатор корхоналар долзарб масалага жиддий ёндошиб, алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Бунга «Тошшаҳарйўловчитранс»га қарашли «Трамвайчи» оромгоҳидаги ишлар мисол бўла олади.

- Масканимиз 3 навбатда фаолият кўрсатади, - дейди оромгоҳ бошлиғи Гулноза Музаффарова. - Ҳар навбатда 350 нафардан зиёд бола дам олади. Кутубхонамизда адабиёт шайдолари учун китобхонлик, шеърхонлик кечалари ташкил этилади, ажойиб куй ва қўшиқ байрамлари, бадиий фильмлар, мультфильмлар намойиш этилади.

Шуни таъкидлашни истардимки, биз оромгоҳ жойлашган «Боғобод» маҳалласи билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Бу ердаги ибратли оилалар, меҳнат фахрийлари, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган онахон ва отахонлар, оқсоқоллар билан учрашувлар ташкил этиб, уларнинг ибратли ҳаёт йўллари, одоб-ахлоқ ҳақидаги сабоқлари ҳикоя қилинади.

Рейдимиз якунида пойтахтимизнинг Ҳувайдо маҳалласида жойлашган Тошкент Давлат Техника университетига қарашли «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлдик.

- «Лочин» оромгоҳи 1-навбатда болаларни 5 июндан ўз бағрига қабул қилади, - дейди Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Тоиба Акромова. - Бу маскан эрта-индин болажонларнинг шўх кулгуларига тўлади, ўзига хос жозиба касб этади. Болажонларнинг ҳордиғини янада мазмунли ўтказиш мақсадида касаба уюшма қўмитаси оромгоҳ кутубхонасини турли адабиётлар, жумладан лотин алифбосидаги китоблар билан таъминлади.

- Бу йилги мавсум тайёргарлик ишларига етти миллион сўм, янги жиҳозлар, зарур инвентарлар учун 13 миллион сўм маблағ ажратилди, - дейди Тошкент Давлат Техника университети проректори А.Низомиддинов. - Мақсадимиз касаба уюшмалари билан биргаликда келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларига муносиб ҳисса қўшиш.

**Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,**
**Ўзбекистон телевидениесининг «Болалар» студияси бош муҳаррири ўринбосари,**
**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби**





Тўрақўрғон туман газ таъминоти корхонаси томонидан хонадонларни газлаштириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳозирда туманда 25 минг оила «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Шундан 17 мингтаси махсус газ ўлчагичлар билан таъминланган. Корхонада ишчи-хизматчиларга яхши меҳнат шароити яратилган. Уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 12 нафар ходим турли санаторийларда дам олдирилди.

**Суратларда: корхона раҳбари Ботир Юсупов ва муҳандис Фарҳод Камолов; чилангар Ҳошимжон Назаров ва иш юритувчи Ёқубжон Маннопов.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## НУКУС АКВАПАРКИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига Оролбўйи маркази ўғил-қизлари ажойиб совға олдилар. Қорақалпоғистон пойтахтида янги аквапарк қуриб, фойдаланишга топширилди.

Спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилиши бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. 2,5 гектар майдонни эгаллаган аквапаркни бунёд этиш учун 350 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

- Қувончли томони шундаки, болалар дам олиш маскани саноат, қурилиш, савдо, транспорт, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг маблағи ҳисобига бунёд этилди, - дейди касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Кенгаши спорт, маданий ва оммавий ишлар бўлими мудири Қувватбой Қадринбетов. - «Оролсувқурилиши» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоасининг фидокорона меҳнати билан қисқа муддатда кўркам оромгоҳ ишга тушди.

Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳамма қулайликлар яратилган. Ҳар хил катта-кичик каруселлар, серманзара фавворалар, 3-7 ёшдаги ва 7-14 ёшдаги болалар учун иккита бассейн, музқаймоқ дўкончалари, умуман жажжи ўғил-қизларнинг қувнаб-яшнаши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Чўмилиш ҳавзасига келиб тушган сув тозаланганидан сўнг бассейнга юборилади.

Амударёнинг гавҳари бўлган Нукусда яна бир кўнгилочар болалар соғломлаштириш маскани қад кўтарди. Эндиликда фақат шаҳарда яшаётган ўғил-қизларгина эмас, балки Оролбўйининг ҳамма томонларидан болалар келиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЗАМОНАВИЙ БУЮМ БОЗОРИ

Тошлоқ туманини Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, қўшни Қува тумани ҳамда Андижон вилояти билан боғловчи катта автомобил йўли бўйида замонавий буюм бозори фойдаланишга топширилди.

Гап шундаки, шу пайтгача туманда замонавий андозадаги буюм бозори йўқ эди. Тумандаги деҳқон бозорида эса тадбиркор ва ишбилармонлар учун керакли бўлган шароитлар етарли эмасди. Савдо расталари кичик ва тирбанд жойлашганлиги сабабли харидор ва сотувчиларга кўплаб ноқулайликлар туғдирар эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини тартибга солиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари натижасида барпо этилган буюм бозори бу борадаги муаммоларга барҳам берди. Янги бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратиб берилди. Халқимизнинг азалий удуми, ҳашар асосида қуриб битказилган бозорга узоқ йил ширкат хўжалигига раҳбарлик қилган Муҳаммаджон Мамажонов бош-қош бўлди. Ахшак қишлоғидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг ташландиқ автосаройи ўрнида барпо этилган бозорда 150 та савдо ўрни, 35 та турғун савдо шохобчалари, ҳунармандлар растаси, умумий овқатланиш тармоқлари, новвойхона, чойхона, тиббиёт хизматлари йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ерда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи бўлим ҳам ишлаб турибди. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, келгусида бу ерда яна 150 та савдо ўрни барпо этилиб, улгуржи ва автомобил савдо шохобчалари ҳам фаолият кўрсатади.

Эътиборли томони, туманда ободончилик, кўкаламзорлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа фурсатда қуриб битказилган Варзак, Заркент, Ахшак, Яккатут, Садда гузарлари қишлоқларга ўзгача чирой, файз бағишламоқда. Айниқса, туман марказида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бош режа асосида миллий ва замонавий меъморчилик андозаларига монанд барпо қилинган савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва гулзорлардан иборат ажиб хиёбонлар қад ростламоқда. Ёш тадбиркор Абдиҳошим Эргашев ўз сармояси ҳисобидан қуриб битказган янги шохбекатда Фарғона, Қува, Акбаробод, Қумариқ, Яккатут, Варзак, Арабмозор каби ўнлаб шаҳар ва қишлоқларга автомобиллар қатнови йўлга қўйилди.

Туманда мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига атаб кенг кўламли қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Қутлуғ кунда фойдаланишга топшириладиган «Ёшлар хиёбони» туман ёшларининг севимли дам олиш масканига айланади.

**Расулжон КАМОЛОВ**

Аёллар, сизлар учун!

# СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

***Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тиббиёт ходимлари учун «Беxатар оналик» бўйича ўқув-амалий машғулотлар ўтказди. Бу тадбирнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда бехатар оналик сиёсатининг амал қилиши, республиканинг айрим туманларида перинатал ёрдам самарадорлигини ошириш тажрибалари билан қўшни мамлакатлар вакилларини таништириш эди.***

Ўқув-амалий машғулотларда республикаларнинг Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, илмий-текшириш институтлари ходимлари, шунингдек, йирик туғруқ комплекслари бош шифокорлари иштирок этди. Улар Андижон шаҳридаги 3-туғруқхонада, Тошкент шаҳар «Бехатар оналик» дастурини жорий этган пилот туғруқхоналарда, поликлиникаларда ва бошқа тиббиёт муассасаларида бўлиб, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган дастурни амалиётга татбиқ этиш тажрибаларини ўргандилар.

– Болалар ва оналар соғу саломат бўлишида, шунингдек, улар ўлимини камайтиришда бехатар оналик муҳим ҳаётий аҳамиятга эга, - дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси раҳбари Бренда Вига.

**Хўш, нима учун бу тадбир айнан Ўзбекистонда ўтказилди?**

– «Бехатар оналик» дастури бундан икки йил муқаддам Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг пилот сифатида танлаб олинган туғруқхоналарида жорий этила бошлаганди, - дейди ЮНИСЕФнинг шу мамлакатлар бўйича маслаҳатчиси Нуне Мангасарян. – Лекин дастур Ўзбекистондагина умуммиллат даражасида қабул қилиниб, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш давлат сиёсати даражасига етди. Ўзбекистон ҳукуматининг бу масалага эътибори, ғамхўрлиги муҳим пойдеворки, бу пойдеворсиз дастурни бу даражада амалиётга жорий этиш қийин бўларди.

**«Бехатар оналик» дастури халққа, айниқса, она ва болаларга нима берди?**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўхтахон Қодирова:

– Бундан икки йил муқаддам айни шу дастур бўйича ишлай бошладик. Унинг моҳиятида ҳомиладорликни, туғиш жараёнини табиий ҳолат деб билиб, онанинг имкон қадар ташқаридан аралашувларсиз кўзи ёриши ва чақалоғини олти ойгача фақат кўкрак сути билан боқиши ётади. Биз қарийб эллик йиллар давомида ҳомиладорликни гўё касаллик деб билиб, ҳомиладорлик пайтида, айниқса, туғруқ жараёнида ҳар эҳтимолга қарши келиб чиқиши мумкин бўлган асоратли ҳолатларнинг олдини оламиз, деб ҳатто бунда 20 хил дори-дармонлар ишлатдик. Бу дорилар аёлга, боласига қандай таъсир этади - бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Ҳаттоки кейинги йилларда аҳоли орасида қайси шифокор кўп дори-дармон тавсия этса, у жуда билимли, тажрибали экан, деган фикр ҳам пайдо бўлганди.

– Статистик маълумотларга кўра, - дея суҳбатни давом эттиради Тошкент шаҳар Перинатал маркази директори Майрам Содиқова, - бўлғуси оналарнинг саксон беш фоизида ҳомиладорлик ва туғруқ табиий, меъёрида кечади, улар шифокор назоратида бўлиши керак, лекин ҳеч қандай дори-дармон, муолажаларнинг кераги йўқ. Лекин ўн беш фоиз аёлларда эса бу жараён турли даражадаги асорат билан ўтади. Уларга ҳушёрлик, билимдонлик билан эътибор қаратиб, имкон қадар асоратларсиз кўзи ёришига ёрдам беришимиз зарур.

Андижон шаҳар 3-туғруқхонаси бош шифокори Саодат Аҳмаджонованинг маърузасида келтирилган далил ва рақамлар бир-бирига қарама-қарши икки манзаралар моҳиятини англашга ёрдам беради. Масалан, 1996 йили бу туғруқхонада кечган 3646 та туғруқ жараёнида 10.726.200 минг сўмлик гармонал-витамин қувват бўладиган воситалар ишлатилган бўлса, 2003 йилда яъни, «Бехатар оналик» дастури бўйича иш олиб борилганда, 5131 туғруқ жараёнида ўн беш баробар кам шундай воситалар ишлатилди.

Узоқ йиллар давомида, - дейди С.Аҳмаджонова, - чақалоқ дунёга келаётганда туғруқ залига чақирилган неантолог шифокор 5-6 хил дорини нина орқали тайёрлаб турарди. Бола туғилиши билан унинг киндик томирига шу дориларни юборарди. Бу муолажа керакми-йўқми, оқибатлари нима бўлади – бу ҳақда ҳеч ким ўйламасди. Ҳозир эса бу муолажалар умуман қилинмайди. Энди биз шундай табиий ҳолатларга риоя қиламизки, ҳатто чақалоқ киндигига турли дорилар ҳам суртилмайди.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар туғруқхоналарда ҳар хил ёқимсиз ҳидлар, кўзи ёриётган аёлларнинг ёки чақалоқларнинг бақириғи, йиғлаган овози йўқлигини ажабланиб гапирдилар.

– Чунки бизнинг туғруқхоналаримиз аввалгидек ҳар томонлама ёпиб қўйилмаган, - дейди М.Содиқова. – Бу ерга олиб келинган аёлларнинг энг яқин одамлари истаганча унинг олдида бўлишлари мумкин. Улар тўлғоқ дардини тортаётган аёлга ҳамроҳ, қувват бўлиб туришлари, ҳатто туғруқ жараёнида қатнашишлари мумкин. Ишонган, суянган одамининг ёнида бўлиши, ширин сўзи, меҳр-муҳаббатли нигоҳи, қўллари билан силаши дардни енгиллатишига, туғруқнинг осон кечишига қайта-қайта гувоҳ бўлаяпмиз. «Бехатар оналик» дастурининг муҳим тавсияларидан бири мана шу ҳамроҳликдир.

Дастур жорий этила бошлагач, айни туғруқхоналарда аёл кўз ёриётганда ва ундан кейин бўладиган асоратли ҳолатлар кескин камайди. Чақалоқларнинг жароҳатлари камайди. Ушбу туғруқхоналар оналар ва болалар ўлими бўйича энг пастки ўринларни эгаллаб турибдилар.

Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг сентябр ойида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзининг 500-буйруғи асосида «Бехатар оналик» дастурини мамлакатимизнинг барча туғруқхоналарига жорий эта бошлади. Ўзбекистоннинг бу қутлуғ қадами ҳам бошқа республикаларга ибрат эканлигини меҳмонлар таъкидлаб гапирдилар.

**Муҳтарама УЛУҒ**

